

Захирова Гулнора Мухамадиевна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси
катта ўқитувчиси

"ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ" ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

уўқ:378.147

ЗАХИРОВА Г.М. "ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ" ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада замонавий бозор талабарига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашда мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамияти, фанларни ўқитишдаги ёндашувлар, ҳамда талабалар билимини ошириш, креатив фикрлаш ва бошқа зарурий кўнималарини шакллантиришда мустақил таълим вазифаларини тайёрлашда эътиборли жиҳатлар ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: мустақил таълим, иқтисодиёт назарияси, бозор талаби, кредит-модуль тизими, креатив фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш.

ЗАХИРОВА Г.М. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПО ПРЕДМЕТУ «ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ»

В статье рассматривается роль и значение самостоятельного образования в подготовке специалистов, отвечающих современным требованиям рынка, подходы в преподавании дисциплин, а также значимые аспекты при подготовке самостоятельных заданий для углубления знаний студентов, формирования творческого мышления и других необходимых навыков.

Ключевые слова и понятия: самостоятельное образование, экономическая теория, требования рынка, кредитно-модульная система, креативное мышление, принятие самостоятельных решений.

ZAKHIROVA G.M. SOME ASPECTS OF THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT EDUCATION ON THE SUBJECT OF «ECONOMIC THEORY»

The article examines the role and importance of independent education in the training of specialists who meet modern market requirements, approaches in teaching disciplines, as well as significant aspects in the preparation of independent tasks to deepen students' knowledge, the formation of creative thinking and other necessary skills.

Key words and concepts: independent education, theory of economy, market requirements, credit-modular system, creative thinking, making independent decisions.

Кириш. Таълим инсон ва жамият учун зарурдир, чунки таълимсиз асрлар давомида тўпланган барча билимлар ва жамият тараққиёти йўқолади. Шахс жамият маданиятига мослашиши ҳамда мавжуд вазифаларни бажариш учун йўл-йўриқларини ва хатти-ҳаракатлар қоидаларини ўрганиши керак. Шу сабаб ҳар қандай жамият таълим йўналишлари ва тегишли ўқув дастурларини шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун онгли равишда мослаштиради ва бунда таълим жараёни алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, XXI аср интеллектуал қобилиятни, ноодатий фикрлаш кўникмасини, психологик жиҳатдан ўта мустаҳкамликни талаб этадиган аср. Бу асрда фақатгина юқоридаги хислатларни ўзида мужассамлаштирган субъектларгина ривожланиши ва мамлакатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласидиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойлика интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундадлик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четдан қолиб кетиши муқаррар.

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий бозор талабларига жавоб берадиган етук мутахассисларни етиштиришда уларнинг мустақил фикрлашлари, муаммоларни ҳал қилишда креатив ёндашувлар асосий ўрин тутади. Шу боис талабаларга ўқиш даврида бундай кўникмаларни шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»¹га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичмабосқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.

Кредит-модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртacha 40/60 фоизни ташкил этади. Бу нисбат, бошқача қилиб айтганда, 1/1,5га тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгилан-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.

ган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан ўқитувчининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Чунки талабалар ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун қизиқарли материаллар ва топшириқлар бериб бориш ўқитувчининг вазифасидир².

Шуларни инобатга олган ҳолда талабалар учун мустақил таълимни ташкил этиш замонавий таълимнинг бosh масалаларидан бири ҳисобланади.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Мустақил таълимни ташкил қилганда ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Қўйида “Иқтисодиёт назарияси” фанини мукаммал ўрганиш учун мустақил таълимни ташкил этиш, уни сифатли шакллантириш борасидаги айрим жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нима? Бу фан асосан нимани тадқиқот қилиб, одамларга нимани ўргатади деган саволнинг ечими жуда мураккаб бўлиб, бу ҳақда ўтмишда ҳам ҳозир ҳам турли олимлар ҳар хил фикр билдириб келмоқда.

Иқтисод фанлари доктори, профессор В.Р.Калгаев бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Иқтисодиёт назарияси асослари бўйича дарслик”да иқтисодиёт фанининг предмети - чекланган ресурслар дунёсида неъматларни ишлаб чиқаришда кишиларнинг хулқ-атвори ва уни бошқаришни ўрганишдан иборат деб таъкидланади³.

Лекин бизнинг фикримизча, иқтисодиёт назарияси фани масаланинг у томонини ҳам, бу томонини ҳам четда қолдирмаслиги, масалага бир томонлама ёндашувга йўл қўймаслиги лозим. Чунки ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш энг аввало табиат ашёлари, моддий восита-лар, пул маблағлари орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади. Шунинг учун мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилла-

² <https://kun.uz/news/2020/07/22/oliy-talimda-kredit-modul-kelayotgan-oquv-yilida-talabalarni-nimalar-kutmoqda>

³ Учебник по основам экономической теории. – М.: Гуманитарный издательский центр “Владос”, 1997. - с. 8.

рининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири ўрганилиши лозим. Иккинчи тарафдан ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гурӯҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараённида албатта ўзаро бир-бирлари билан муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиласидар, ўз хулқатворларини, хатти-ҳаракатларини белгилайдилар.

Демак, иқтисодиёт назарияси фани шу муносабатларнинг икки томонини қамраб олган бўлиши, уларни ўрганиши лозим. Ундан ташқари бу муносабатлар, хатти-ҳаракатлар фақатгина ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида эмас, балки такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида ишлаб чиқариш, пул орқали айирбошлаш (сотиб олиш, сотиш) тақсимлаш ва фойдаланиш, яъни истеъмол қилиш жараёnlарида ҳам содир бўлади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашда шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, иқтисодиётнинг кўпгина томонлари аниқ иқтисодий фанлар томонидан, яъни саноат иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти, агроиқтисодиёт ва агробизнес, иқтисодий ахборот, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, менежмент каби фанлар томонидан ўрганилади.

Иқтисоднинг айрим томонлари эса молия, солиқ ва солиққа тортиш, кредит, пул муоммалиси, банк иши, божхона иши, статистика, эконометрика, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили каби фанларда ўрганилади.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларнинг турли шарт-шароитларда, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонун-қоидаларнинг ҳам ўзгариб туришини, уларнинг доимо ҳаракатда ривожланишда бўлишини ўрганади. Ундан ташқари иқтисодиёт назарияси турли иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг, жараёнларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганибигина қолмай, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини ҳам ўрганади. Ушбу жараёнларни ўрганишда самарадорликка эришиш учун мустақил ишлашни тўғри ташкил этиш усувлари ва йўлларини аниқлаш тадқиқот мақсади деб олинган.

Илмий моҳияти. "Иқтисодиёт назарияси" ва бошқа иқтисодий фанларни ҳам ўрганишда, мустақил ишлаш, изланиш учун бошланғич курслар талабаларида қатор қийинчиликлар билан боғлиқ. Мъалумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш, энг зарурларини ажратиб олиш ва тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, ўзларининг ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарс берадиган профессор-ўқитувчилар аввало талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч үйғотиш, сабр-тоқат билан босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил этишга ўргатиб бориш лозим бўлади.

Талабаларнинг мустақил равишда ўзлаштирадиган билимлари, кўникмалари курсдан курсга мураккаблашиб, кенгайиб, бу ишда талабанинг ташаббускорлиги ва роли ошиб боради. Яъни, мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Тадқиқот методлари.

Талабалар мустақил таълим мини самарали ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этиб, у қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт деб белгиланган¹:

- талабалар мустақил ишининг барча шаклларини ташкил қилишга тизимли ёндашиш;
- талабалар мустақил ишининг барча босқичларини (турларини) мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- талабалар мустақил ишининг бажарилиши сифати устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш механизмини яратиш ва такомиллаштириб бориш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз талабаларга бериладиган мустақил таълим топшириклари муваффақиятли якунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

¹ Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида йўриқнома. – Тошкент: 2009.

- мустақил иш нима мақсадда берилаёт-ганлиги (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўнишка ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.) асосланиши¹;
- бажариладиган топшириқлар қайси манба (китоб, журнал, мақола, сайт ва ҳ.к.)дан олиниши кўрсатилиши;
- бажариладиган вазифалар, топшириқларнинг аниқ-равshan белгиланиши;
- талабаларнинг топшириқларни бажариш алгоритми ва методлардан етарли даражада хабардор бўлиши;
- маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (ўйлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, муаммоли ҳолатларни биргалиқда ҳал қилиш ва ҳ.к.)
- ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;
- назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, маслаҳат ёки назорат учун маҳсус ажратилган вақт, маъруза ёки реферат матни, презентация, эссе, лойиҳа ишлари, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, ўй вазифаси дафтари, ностандарт топшириқлар, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар; саволжавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ.к.).

Таҳлил ва асосий натижалар. Талабалар томонидан бажарилган мустақил таълими топшириқлари: эссе, лойиҳа ишлари, ижодий ишлар, кейслар ҳимоя қилинади ва кафе-драга топширилади. Ҳимоя пайтида талаба ишнинг мазмуни ва моҳиятини гапириб бериши, саволларга жавоб бериши, тушунтириб ва асослаб бера олиши, топшириқларни чуқур ўзлаштирганлигини намоён қилиши, топшириқларни ҳақиқатан ҳам мустақил равишда бажарганлигини исботлай олиши лозим.

Ҳимояда маъруза ва амалиёт ўқитувчилари иштирок этади. Ҳимоягача ўқитувчи бажарилган топшириқларнинг ёзма баёнини кўриб

¹ Умаров К.Ю., Мажидов Н.М. "Иқтисодиёт назарияси" фанидан мустақил таълимни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: 2008.

чиқиб, камчиликларни бартараф қилиш хусусида кўрсатма ва маслаҳатлар бериб боради.

Ҳимоя топшириқ ва унинг бажарилиши жараёни, бажарилган ишнинг таҳлилий мазмунини гапириб бериш, саволларга жавоб бериш, тушунтириб бериш, асослаб бериш, қисқача ёзиб бериш шаклларида ўтказилиши мумкин ва бунда талабанинг топшириқ мазмуни ва моҳиятини қанчалик ўзлаштира олганлиги эътиборга олинади.

Мустақил таълим топшириқлари қуидаги усул ва шаклларда ифодаланиши мумкин:

Индивидуал усул.

Бунда мавзулар базасидан исталган бирор мавзу танланиб, унинг асосида қуидаги топшириқлар бажарилади:

1. Танланган мавзу бўйича эссе ёзиш (1,5-2 бет).
2. Мавзу бўйича таянч иборалар (глоссарий) келтириш (10 тагача).
3. Мавзу бўйича 4 та жавобдан иборат тест тузиш (5 тагача).

4. Мавзу юзасидан кроссворд тузиш.

5. Мавзу бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш.

6. Муаммолар бўйича ўз ечимларини кўрсатиш.

Топшириқларнинг ҳар бири алоҳида баҳоланиб, ўртачаси чиқарилиб тегишли баҳолашни амалга ошириш мумкин.

Жамоавий усул.

Бунда маълум соҳа ёки тармоқ, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхонаси танланиб олинади, ва унинг мамлакатдаги ўрнини аниқлаш учун қуидаги топшириқлар жамоавий усулда амалга оширилади:

1. Корхонанинг яратилиш тарихини ўрганиш.
2. Корхона шаклланишининг маъмурий-хукуқий асослари билан танишиб чиқиш.
3. Корхонанинг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрнини аниқлаш.
4. Корхонанинг SWOT таҳлилини тузиш.
5. Корхонанинг келажақдаги стратегиясини ишлаб чиқиш.

Ҳар қандай мустақил таълим иши қандай кўринишда бажарилганлигига қараб расмийлаштирилади. Ўрганилган адабиётлар асосида мустақил иш шакллантирилади. Мамлакат доирасида қабул қилинган қонунлар,

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармонлари, фармойишлар, қарорлари, асарлари, хорижий манбалар, мавзуга доир дарсликлар, қўлланмалар, интернет сайтларидан унумли фойдаланган ҳолда уларни фойдаланган адабиётлар рўйхатига ҳам киритиш лозим.

Бундан ташқари қуидаги кўринишдаги мустақил ишларни ҳам амалга ошириш мумкин:

1. Реферат кўриниши. Реферат иши 20-25 бет компьютер вариантида бўлиб, титул варафи, кириш, асосий қисм, хulosса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Титул варағида вазирлик номи, олий ўкув муассасаси номи, факультет, йўналиш, босқич, реферат мавзуси, талабанинг ФИШ, қабул қилувчи ўқитувчининг ФИШ, бажарилган йили ёзилган бўлиши керак.

Кириш қисмида танланган мавзунинг дозарблиги, илмий аҳамияти қисқача баён этилади.

Асосий қисмда танланган мавзу режаларга ажратилиб, ҳар бир режа асосланган ҳолда матнлардан иборат ҳолда ёзилади. Мавзуга оид Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибалари, статистик маълумотлари, жадвал, графиклар ишнинг мазмунини янада ёритилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хulosса қисмida мавзуни мустақил ўрганишда талаба томондан чиқарилган хulosса ўз аксини топиши керак.

2. Презентация шаклидаги мустақил иши учун қуидаги талаблар қўйилади:

1. Презентация танланган мавзуга оид 15-20 та слайдлардан ташкил топган бўлади.

2. Биринчи слайда Вазирлик номи, ОЎЮ номи, факультет, йўналиш, босқич, мавзу, талабанинг ФИШ, қабул қилувчи ўқитувчининг ФИШ, бажарилган йили ёзилган бўлиши керак.

3. Кейинги слайдда режа келтирилиб, ҳар бир режа учун 5-7тагача слайд тайёрланади.

4. Презентациянинг слайдларида мавзуга оид маълумотлар асосан график, жадвал, диаграмма усулида берилади.

5. Якунловчи слайдда адабиётлар рўйхати келтирилган бўлиши керак.

3. Маърузалар матни кўринишидаги мустақил таълим:

1. Мавзунинг номидан сўнг мавзуга оид бир неча таянч иборалар келтирилади.

2. Танланган мавзу бўйича маъруза матни бир режаларга ажратилади.

3. Ҳар бир режа ўз моҳиятини очиб берувчи маъруза матнидан иборат бўлиши керак.

4. Маъруза матни хulosса қисми билан якунланади.

5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилиши керак.

6. Маъруза матни кўринишидаги мустақил иш 18-20 бет компьютер (ёки 25-30 бет қўлёзма) шаклида бўлиши керак.

4. Минижурнал ёки газета кўринишидаги мустақил таълим (Жамоавий усул).

1. Бир неча талабадан иборат алоҳида гуруҳлар ташкил этилиб, биргалиқда танланган мавзу бўйича минижурнал (5-6 бет) ёки газета (2 варак) тайёрланади.

2. Минижурнал ёки газета иқтисодиётга оид ўз номига эга бўлиб, саҳифаларида айнан шу мавзу бўйича назарий асослар, ижтимоий, сиёсий ҳаётда тутган ўрни ва ҳозирги янгиликларни акс эттириши лозим.

3. Минижурнал ёки газетада мавзуга оид хориж маълумотлари, жадваллар, статистик маълумотлар, график ва расмлар ҳам жойлаштирилган бўлиши зарур.

4. Келтирилган ахборотлар, статистик маълумотлар, жадваллар олинган манбалари иҳтибос (сноска) кўринишида келтирилиши керак.

5. Минижурнал ёки газетанинг охирги бетида муаллифлар исми шарифлар келтирилган бўлади.

Хulosса ва таклифлар.

Хulosса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий меҳнат бозори талабига мос ҳолда, ОТМ битирувчиларида қуидаги хислатлар шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– назарий билим, малака, интеллектуал салоҳият, креатив ёндашув, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларининг шаклланганилиги;

– хорижий тиллар ва рақамли технологиялар билан ишлаш асосларини билиш;

– мамлакат ва дунё миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлиш;

– дунё стандартларига жавоб берадиган рақобатбардошлиқ сифатларининг мавжудлиги;

– илмий изланувчанлик, мустақил лойиҳалар яратиш қобилиятларининг мужасамлиги.

Бу кўрсаткичларни шакллантиришда Олий таълим муассасаларида фанларни

ўзлаштиришда мустақил таълимнинг юқори савияда ташкил этилганлиги, унинг самарадорлиги, талабаларда зарурий кўнилмаларни шакллантиришда тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Талабалар мустақил таълимини ташкил этишда қўйидагиларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Танланган фан бўйича маълумотлар манбасини излаш.

2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш.

3. Ижодий фаолиятга қизиқиши шакллантириш.

4. Тушуниш, аниқлаш ва изоҳлаш қобилиятларини ривожлантириш.

5. Креатив фикрлаш, мустақил хulosалар чиқариш кўнилмаларини юксалтириш.

Юқоридаги масалаларни ҳал этишда қўйидагиларни бажариш лозим деб ҳисоблаймиз:

- биринчидан, олий таълим муассасаларида фанларга оид маълумотлар манбалари базаларини яратиш, ОТМ ахборот-ресурс марказларини республика ва хорижий давлатлар-

нинг кутубхона фондлари билан интеграциясини таъминлаш;

- иккинчидан, фанларга оид мавзулар бўйича барча турдаги машғулотларни инновацион педагогик технологиялар асосида ўтказилишини таъминлаш;

- учинчидан, талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига кенг тарзда жалб этиш мақсадида, улар учун илмий грантлар эълон қилиш, хорижий давлатлар ОТМлари билан қўшма илмий лойиҳаларда иштирокларини таъминлаш;

- тўртинчидан, ўқиш, тажриба алмашиш, малакаларини ошириш учун хорижий давлатларга стажировкаларни амалга ошириш;

- бешинчидан, талабалар томонидан яратилган инновацион ғояларни қўллаб қувватлаш ва молиялаштириш томонларига эътиборни кучайтириш.

Келтирилган тавсиялардан фақат "Иқтисодиёт назарияси" фани эмас, балки бошқа иқтисодий фанларни ҳам мукаммал ўрганиш учун ишлаб чиқилган мустақил таълим топширикларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847 сонли Фармони.

2. Oliy ta'limda kredit-modul: yangi o'quv yilida talabalarni nimalar kutmoqda? - Электрон ресурс. <https://kun.uz/news/2020/07/22/oliy-talimda-kredit-modul-kelayotgan-oquv-yilida-talabalarni-nimalar-kutmoqda>,

3. Учебник по основам экономической теории. – М.: Гуманитарный издательский центр "Владос", 1997. - с. 8.

4. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида йўриқнома. – Тошкент: 2009.

5. Умаров К.Ю., Мажидов Н.М. "Иқтисодиёт назарияси" фанидан мустақил таълимни ташкил этиш бўйича услубий қўлланмана. – Тошкент: 2008.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 824-сон қарорига билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида" Низом.

7. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. Ўзбекистон Республикаси олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги. - Т.: Иқтисод-молия, 2010.

8. Инновацион таълим технологиялари /Ўқув-услубий қўлланмана.Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: ТДПУ, 2015.